

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**451 Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги «Ердан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишни назоратини кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрларини юриктишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ–5065-сонли Фармонини ижро этиш мақсадида:

1. Қуйидаги янгиланган:

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг ташкилий тузилмаси 1-иловага\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси марказий аппаратининг чекланган бошқарув ходимлари сони 46 нафардан иборат тузилмаси 2-иловага\* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаларининг намунавий тузилмаси ҳамда ходимларининг чекланган умумий сони 3 ва 3а-иловаларга\* мувофиқ;

туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларининг намунавий тузилмаси ва ходимларининг чекланган умумий сони 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раисига, зарурат бўлганда, марказий аппарат тузилмасига, қўмита тизимига кирувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер ресурслари ва давлат кадастри бошқар-

---

\* 1 — 4-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

малари ҳамда бошқа ташкилотларининг тузилмасига бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ва унинг таркибий бўлинмалари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича вазифаларни амалга ошириш Комиссияси 5-иловага\* мувофиқ таркибда тузилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасини янада ривожлантириш, 2017 — 2021 йилларда соҳага илғор фан-техника ютуқларини жорий этиш, моддий-техника базасини янгилаш, тармоққа халқаро грантларни жалб этиш чора-тадбирлари Дастури 6-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари масъул ижрочилари зиммасига 6-иловада кўрсатилган чора-тадбирларни ўз вақтида ва самарали амалга оширишни ташкил этиш юзасидан шахсий масъулият юклансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари, уларнинг ваколатларига мувофиқ судларга бериладиган даъво ва аризалари бўйича давлат божи тўлашдан озод этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигига фундаментал, амалий ва инновациявий давлат илмий-техникавий дастурларини шакллантиришда, уларга ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини илмий бошқариш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда иқлимнинг ўзгариши ҳисобига суғориладиган ерларнинг деградациясига учрашининг олдини олиш бўйича инновациявий ва замонавий технологияларни ишлаб чиқувчи илмий лойиҳаларни киритишни таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда:

икки ой муддатда янгиланган «Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчиларнинг касблари Классификатори» асосида ерлардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг назоратини кучайтириш, геодезия ва картография фаолияти бўйича малакали кадрларни тайёрлашда олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари, ўрта махсус, касб-хунар таълими, йўналишлар, касб ва ихтисосликлари бўйича рўйхатни белгилаш, уларни амалга оширадиган олий таълим муассасалари ва касб-хунар коллежларини аниқлаш, ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастрлари билан

---

\* 5-6-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

боғлиқ корхоналар ва ташкилотларда ўқитиш, амалиёт ўтказиш ва тажриба орттириш мажбуриятини ҳисобга олган ҳолда, улар бўйича таълим стандартларини, ўқув режалари ва дастурларини замонавий талаб ва халқаро тажрибаларни инобатга олган ҳолда, қайтадан танқидий кўриб чиқсин;

хар йили, ихтисослашган олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул квотасини шакллантиришда ер тузиш, геодезия ва картография фаолияти соҳасида малакали кадрларга бўлган реал эҳтиёжни ҳисобга олсин;

олий таълим муассасалари ва касб-хунар коллежлари битирувчиларини танлаган касб ва ихтисосликлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг корхона ва ташкилотларига ишга жойлаштиришни, аввало ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари раҳбарларининг бу борадаги масъулиятларини назорат қилиш ва кучайтиришнинг амалий механизмини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Ер муносабатлари ва давлат кадастрларини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Адлия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 31 май,  
ПҚ-3024-сон